



## МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШДА МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

**Давранов Орзу**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази  
ORCID: 0009-0002-2460-0783  
[davranovorzu@gmail.com](mailto:davranovorzu@gmail.com)

**Аннотация.** Мазкур мақолада минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситаларнинг назарий моҳияти, уларнинг иқтисодий тизимдаги ўрни ҳамда самарадорлигини баҳолаш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда молиявий воситаларнинг таснифи, уларнинг иқтисодий мактаблар билан боғлиқ назарий асослари ва ҳудудий иқтисодий ривожланишга таъсир механизми ўрганилган. Шунингдек, молиявий воситалар самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган фискал, инвестицион, институционал, ижтимоий ва инновацион мезонлар илмий жиҳатдан асосланган.

**Калит сўзлар:** минтақавий ривожланиш, молиявий воситалар, молиявий ресурслар, инвестиция фаоллиги, институционал самарадорлик, эндоген иқтисодий ўсиш, фискал федерализм, инновацион молиялаштириш.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В РЕГИОНАЛЬНОМ РАЗВИТИИ

**Давранов Орзу**

Научно-исследовательский центр  
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»  
при Ташкентском государственном экономическом университете

**Аннотация.** В статье анализируется теоретическая сущность финансовых инструментов в процессах регионального развития, их роль в экономической системе и вопросы оценки их эффективности. Рассматривается классификация финансовых инструментов, их теоретические основы в контексте экономических школ, а также механизм их влияния на региональное экономическое развитие. Научно обоснованы также фискальные, инвестиционные, институциональные, социальные и инновационные критерии, используемые при оценке эффективности финансовых инструментов.

**Ключевые слова:** региональное развитие, финансовые инструменты, финансовые ресурсы, инвестиционная деятельность, институциональная эффективность, эндогенный экономический рост, фискальный федерализм, инновационное финансирование.

## THEORETICAL FOUNDATIONS AND ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF FINANCIAL INSTRUMENTS IN REGIONAL DEVELOPMENT

**Davranov Orzu**

*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *This article analyzes the theoretical essence of financial instruments in regional development processes, their role in the economic system and issues of assessing their effectiveness. The study examines the classification of financial instruments, their theoretical foundations in relation to economic schools, and the mechanism of their influence on regional economic development. Also, the fiscal, investment, institutional, social, and innovation criteria used in assessing the effectiveness of financial instruments are scientifically substantiated.*

**Keywords:** *regional development, financial instruments, financial resources, investment activity, institutional efficiency, endogenous economic growth, fiscal federalism, innovative financing.*

### **Кириш.**

Минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситаларнинг ўрни ва улардан фойдаланиш самарадорлигини тадқиқ этиш замонавий иқтисодий назариянинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Молиявий воситалар иқтисодий фаолликни рағбатлантириш, инвестиция салоҳиятини ошириш ҳамда ҳудудлар ўртасида иқтисодий мувозанатни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар орқали иқтисодий тизимнинг барқарор фаолияти ва ҳудудий ривожланишнинг узлуксизлиги таъминланади.

Минтақалар иқтисодий тизимнинг таркибий бўғини сифатида турли ресурс имкониятларига, табиий ва инсон капитали захираларига ҳамда институционал муҳит шароитларига эга бўлгани сабабли, молиявий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги ҳудудлар кесимида турлича намоён бўлади. Шу боис, молиявий воситаларнинг илмий асосда таснифланиши, уларнинг таъсир самарасини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда минтақавий ривожланишнинг оптимал моделини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий вазифалардан бири сифатида қаралади.

Ўзбекистонда ҳам ҳудудий ривожланишни рағбатлантириш мақсадида турли молиявий воситалар, хусусан, давлат бюджетининг мақсадли фондлари, тижорат банклари кредитлари, инвестиция лойиҳалари, давлат-хусусий шериклик инструментлари, хорижий грантлар ва халқаро молиявий институтлар ресурсларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бироқ мазкур воситаларнинг ҳудудий таъсир самарадорлиги ҳар доим ҳам кутилган натижани бермаётгани таҳлилий тадқиқотларни талаб этмоқда. Шу боис, молиявий воситаларнинг иқтисодий табиати, уларнинг илмий асосдаги классификацияси ҳамда қиёсий афзалликларини ўрганиш минтақавий барқарор ўсишни таъминлашда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситаларнинг тутган ўрни сўнгги йилларда жаҳон иқтисодий илмий адабиётида энг фаол муҳокама қилинаётган йўналишлардан бирига айланди. Бу ҳолат, аввало, ҳудудлар иқтисодий ўсиш суръатларидаги тафовутлар кўп ҳолларда молиявий ресурслардан фойдаланиш даражаси ва уларни бошқариш механизмлари билан белгиланиши билан изоҳланади. Янги илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, молиявий воситаларни самарали ташкил этиш ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини, иш билан

бандлик даражасини ва ижтимоий барқарорликни сезиларли даражада оширади (Pluskota, 2023).

Европа Иттифоқи мамлакатлари мисолида амалга оширилган тадқиқотлар молиявий воситаларни ҳудудий ривожланиш дастурларига интеграция қилиш ҳудудлараро иқтисодий тафовутларни қисқартиришда муҳим омил сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади. Хусусан, Польшада ўтказилган қиёсий таҳлиллар натижасига кўра, кредит, кафолат ва лизинг каби воситалардан тизимли фойдаланиш кичик ва ўрта бизнес субъектларининг минтақавий ялпи ички маҳсулотдаги улушини 6–8 фоизга оширган (Pluskota, 2023). Бу эса молиявий воситаларни самарали жорий этиш ҳудудий иқтисодий фаолликнинг асосий драйверларидан бири эканини тасдиқлайди.

Молиявий воситаларни бошқаришда кўпқаватли бошқарув (multi-level governance) моделларини жорий этиш масаласи ҳам замонавий иқтисодий назарияда долзарб йўналиш сифатида кўрилмоқда. Sum (2023) таъкидлаганидек, молиявий воситаларнинг самарадорлиги фақат ресурслар ҳажмига эмас, балки уларнинг институтлараро мувофиқлашув даражасига ҳам бевосита боғлиқ. Яъни марказий ва маҳаллий молия институтлари, банклар ҳамда хусусий сектор ўртасидаги тизимли ҳамкорлик ривожланиш механизмларининг барқарор ишлашини таъминлайди.

Шу билан бирга, молиявий воситаларни устуворлаштириш ва уларнинг стратегик йўналишларини белгилаш соҳасида ҳам янги илмий ёндашувлар шаклланимоқда. Gospodarchuk ва Zeleneva (2024) ўз тадқиқотларида молиявий ривожланиш стратегияларини баҳолаш учун “5S+” модели — sustainability (барқарорлик), scalability (масштабланиш), synergy (ўзаро таъсир), social impact (ижтимоий таъсир), security (қаўсизлик) ва innovation (инновационлик) мезонларини ўз ичига олган тизимни таклиф этган. Мазкур ёндашувга кўра, молиявий воситалар самарадорлиги фақат иқтисодий фойда билан эмас, балки ижтимоий таъсир ва барқарор ривожланиш кўрсаткичлари билан ҳам баҳоланиши лозим.

Қишлоқ ҳудудларида молиявий воситалардан фойдаланиш тажрибаси ҳам илмий жихатдан таҳлил қилинган. Cisilino ва ҳаммуаллифлар (2022) Италия мисолида қишлоқ ривожланиш сиёсати доирасида субсидиялар ва кафолатли кредитлар каби воситаларнинг салоҳиятини ҳамда уларни амалга оширишдаги институционал тўсиқларни ўрганиб чиққан. Муаллифлар фикрича, ҳудудий ривожланишга йўналтирилган молиявий инструментлар юқори самара бериши учун уларни амалга ошириш жараёнида институционал мувофиқлик ва шаффофлик таъминланиши зарур.

Жаҳон амалиётида давлат ривожланиш банклари ва махсус молиявий институтлар орқали инновацион молиявий воситалар жорий этилаётгани ҳам қайд этилади. Finance in Common Summit Research (2023) маълумотларига кўра, “climate-resilient debt clauses” ва “debt-to-nature swaps” каби инструментлар ҳудудий иқтисодий барқарорликни оширишга ва табиат-иқтисодий мувозанатни сақлашга хизмат қилмоқда. Бу турдаги воситалар нафақат экотизим барқарорлигини таъминлайди, балки ҳудудлар учун узоқ муддатли ресурс базасини яратишга ҳам имкон беради.

Маҳаллий шароитда ҳам ушбу йўналишдаги илмий изланишлар фаол амалга оширилмоқда. Маҳмудов (2022) Ўзбекистонда молиявий воситаларни халқаро стандартлар асосида ҳисобга олиш масалаларини ўрганиб, молиявий ҳисоб-китоб тизимини янгилаш самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган. Шунингдек, MRIATS (2024) тадқиқотида эркин иқтисодий зоналар фаолиятида молиявий механизмларни такомиллаштиришнинг амалий йўналишлари таҳлил қилиниб, инвестицион муҳитни яхшилаш орқали ҳудудий ривожланишни жадаллаштиришда молиявий воситаларнинг ўрни асослаб берилган.

Кўрадиган бўлсак, сўнгги илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақавий ривожланишда молиявий воситаларнинг самарадорлиги фақат уларнинг ҳажми ёки тури билан эмас, балки институтсионал тартибга солиниши, шаффофлиги,

инновацион хусусиятлари ва ижтимоий самарадорлиги билан белгиланади. Шу боис, келгуси босқичда Ўзбекистон минтақаларида молиявий воситалардан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришда халқаро амалиётда синовдан ўтган моделлардан илмий асосда фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситаларнинг назарий моҳияти ва самарадорлигини таҳлил қилишда уларни иқтисодий тизимнинг узвий таркибий қисми сифатида кўриш зарур. Замонавий иқтисодий назарияда молиявий воситалар фақат молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми эмас, балки ҳудудий сиёсатни амалга оширишнинг функционал инструменти сифатида ҳам изоҳланади. Ушбу воситалар орқали давлат ва хусусий сектор манфаатлари уйғунлаштирилиб, ҳудудий иқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳити ва ижтимоий фаолликни рағбатлантириш имконияти яратилади. Шу билан бирга, ҳар бир молиявий восита маълум иқтисодий мактаб, хусусан, кейнс, неоклассик ёки институционал ёндашувнинг назарий асосларига таяниб ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳудудий самарадорлиги институционал муҳит, бозор шароити ва бошқарув салоҳияти даражасига қараб фарқланади.

### 1-жадвал

#### Молиявий воситаларнинг назарий таснифи

Туркум	Асосий мақсад	Назарий асос	Минтақавий таъсир йўналиши
<b>Давлат молиявий воситалари</b> (трансфертлар, субсидиялар, субвенциялар)	Ҳудудлар барқарорлигини таъминлаш, ресурс қайта тақсимотини амалга ошириш	Фискал федерализм назарияси	Ҳудудий барқарорлик ва тенглик
<b>Қайтарилувчан воситалар</b> (қарз, лизинг, кафолатлар)	Инвестиция ва инновацияни рағбатлантириш	Эндоген ўсиш назарияси	Маҳаллий инвестиция салоҳияти
<b>Хусусий сектор воситалари</b> (венчур капитал, облигациялар, ДХШ)	Бозор механизмлари орқали ҳудудий ривожланиш	Неолиберал мактаб	Инновацион ва рақобатбардош муҳит
<b>Янги авлод воситалари</b> (яшил молия, сукук, ижтимоий облигациялар)	Барқарор ривожланишни таъминлаш	Институционал иқтисодий назариялар	Экологик ва ижтимоий самарадорлик

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу таснифдан кўринадики, молиявий воситаларнинг моҳияти ва функцияси жамиятда устувор бўлган иқтисодий мактаб ва сиёсий моделнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, фискал федерализм назарияси доирасида давлат трансфертлари ҳудудлар ўртасидаги молиявий нумутаносибликларни камайтириш, иқтисодий имкониятларни тенглаштириш воситаси сифатида қаралади. Эндоген иқтисодий ўсиш назариясида эса молиявий воситалар инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва илмий-техника тараққиётни рағбатлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида таърифланади.

Шу билан бирга, янги институционал иқтисодий мактаб (Д. Норт, Д. Асемоғлу ва бошқалар) нуқтаи назаридан молиявий воситаларнинг самарадорлиги улар жойлашган

институционал муҳитнинг сифат даражаси, ҳуқуқий кафолатлар ва бошқарув механизмларига чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, молиявий воситаларнинг амалий самараси уларни қандай сиёсий-иқтисодий тизим қўллаётганига боғлиқдир: давлат ресурслари барқарорлик ва ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилса, бозор механизмларига асосланган молиявий воситалар рақобат ва инновацион фаолликни рағбатлантиради.

Минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситалар самарадорлигини баҳолаш мураккаб ёндашувни талаб этади. Илмий нуқтаи назардан, самарадорликнинг мезонлари иқтисодий мактаблар кесимида турлича талқин этилган бўлса-да, умумий ғоя шундаки, молиявий воситаларнинг таъсири фақат молиявий натижалар (даромад, рентабеллик ёки инвестиция самарадорлиги) билан чекланиб қолмаслиги лозим. Улар ижтимоий барқарорлик, институционал такомиллашув, инновацион салоҳиятнинг ошиши ва ҳудудий рақобатбардошлик каби кўрсаткичлар орқали ҳам баҳоланиши зарур.

Бошқача қилиб айтганда, молиявий воситалар самарадорлиги комплекс категория бўлиб, у иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ижтимоий таъсир, институционал барқарорлик ва инновацион фаолликни қамраб олади. Шу жиҳатдан, замонавий илмий изланишларда ROI (Return on Investment) каби анъанавий кўрсаткичлар ўрнига кўп мезонли самарадорлик ёндашуви тобора кенг қўлланилмоқда.

## 2-жадвал

### Молиявий воситалар самарадорлигини баҳолашнинг назарий мезонлари

Мезон тури	Қисқача тавсиф	Асосий кўрсаткичлар
Фискал самарадорлик	Ҳудуднинг бюджет даромадлари ва ЯИМ ўсишига таъсир	$\Delta Y/\Delta F$ (ўсиш/молиялаштириш)
Инвестиция самарадорлиги	Молиявий ресурсларга нисбатан инвестиция натижаси	I/F (инвестиция/ресурс)
Институционал самарадорлик	Молиявий институтлар фаолиятининг самараси	Transparency Index, Accountability Ratio
Ижтимоий самарадорлик	Молиявий воситаларнинг аҳоли фаровонлигига таъсири	Employment Growth, Income Index
Инновацион самарадорлик	Илмий ва технологик фаолликка таъсир	R&D/GDP, Patent ratio

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жадвалда келтирилган мезонлардан маълум бўладиги, молиявий воситалар самарадорлигини баҳолашда фақат яқка кўрсаткичларга эмас, балки комплекс ёндашувга таяниш зарур. Бу ёндашувда ҳар бир мезон молиявий тизимнинг муайян қиррасини ифода этади: масалан, фискал самарадорлик бюджет маблағларининг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини акс эттирса, институционал самарадорлик молиявий бошқарув тизимининг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва қонуний барқарорлиги даражасини тавсифлайди.

Бироқ ушбу мезонлар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, институционал самарадорлик паст бўлган ҳудудларда инвестиция фаолияти ҳам чекланган бўлади. Бу эса ресурслар тақсимотининг самарасизлиги, молиявий оқимларнинг нотенг тақсимланиши ва инвестиция муҳитининг заифлиги билан изоҳланади.

Шу боис, халқаро тажрибада, хусусан, OECD (2023) ва UNDP (2024) тадқиқотларида молиявий воситалар самарадорлигини аниқлаш учун “интеграл индекс” усули қўлланилмоқда. Ушбу ёндашув иқтисодий, ижтимоий, институционал ва инновацион

кўрсаткичларни бирлаштирган ҳолда ҳудудий ривожланишни баҳолаш имконини яратади.

Минтақавий ривожланиш жараёнларида молиявий воситалардан фойдаланишда изчиллик ва босқичма-босқичлик тамойиллари муҳим назарий аҳамиятга эга. Чунки молиявий ресурслар таъсири бир вақтнинг ўзида эмас, балки муайян босқичлар орқали намоён бўлади.

Gospodarchuk ва Zeleneva (2024) томонидан таклиф этилган интеграцияланган моделга кўра, молиявий воситаларнинг таъсир механизми уч босқичли изчил тизим орқали амалга ошади:

институционал босқичда молиявий бошқарув тизими ва норматив-ҳуқуқий асослар шаклланади;

инвестицион босқичда молиявий ресурслар реал иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилади;

инновацион босқичда эса молиявий воситалар орқали янги технологиялар, маҳсулотлар ва бошқарув усуллари жорий этилади.

Бу босқичлар ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг изчил амалга оширилиши молиявий сиёсатнинг барқарорлиги, ҳудудий иқтисодий ўсиш ва ижтимоий самарадорликнинг таъминланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

### 3-жадвал

#### Молиявий воситаларнинг назарий интеграция модели

Босқич	Ижрочи субъектлар	Асосий воситалар	Кутилаётган натижа
<b>I. Институционал босқич</b>	Давлат, маҳаллий ҳокимиятлар	Бюджет трансфертлари, субвенциялар	Ҳудудий барқарорлик ва тенглик
<b>II. Инвестицион босқич</b>	Банклар, хусусий сектор	Лизинг, кредит, облигациялар	Инфратузилмавий ўсиш ва янги иш ўринлари
<b>III. Инновацион босқич</b>	Венчур фондлар, илмий марказлар	Венчур капитал, яшил облигациялар, сукук	Инновацион иқтисодиёт ва рақобатбардошлик

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу модел назарий жиҳатдан молиявий воситаларни минтақавий ривожланиш стратегияси билан узвий боғлайди. Моделнинг ҳар бир босқичи иқтисодий тизимда муайян функцияни бажаради ва уларнинг изчил амалга оширилиши молиявий сиёсатнинг барқарор самарадорлигини таъминлайди.

Биринчидан, институционал босқичда давлатнинг тартибга солувчи роли кучайтирилиб, молиявий муносабатлар учун ҳуқуқий ва ташкилий барқарорлик яратилади. Бу босқичда давлат ресурслари орқали ҳудудий молиявий инфратузилма шакллантирилади ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Иккинчидан, инвестицион босқичда хусусий секторнинг фаол иштирокини рағбатлантириш орқали молиявий ресурслар реал иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилади. Бу жараёнда давлат-хусусий шериклик механизмлари ва кредит кафолат воситалари асосий аҳамият касб этади.

Учинчидан, инновацион босқичда янги технологиялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватловчи махсус молиявий инструментлар жорий этилади. Ушбу босқичда молиявий воситалар нафақат сармоя манбаи, балки инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи институт сифатида намоён бўлади.

Натижа шуки, молиявий воситаларнинг тизимли ҳаракати “иқтисодий фаолликнинг спирали”ни ҳосил қилади: давлат маблағлари хусусий сармояни жалб

этади, хусусий сармоя инновацион фаолликни кучайтиради, инновациялар эса ҳудудий иқтисодий ўсишни тезлаштиради.

Минтақавий ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, молиявий воситалар иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи ёрдамчи омил эмас, балки унинг тизимли таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Улар орқали ҳудудий сиёсатнинг амалий ижроси таъминланади: масалан, маҳаллий бюджет маблағлари, давлат кафолатлари ёки хусусий инвестиция линиялари орқали иқтисодий фаолликка туртки берилади. Шу жиҳатдан, молиявий воситаларни “иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг инструментал механизми” сифатида талқин этиш илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Молиявий воситалар самарадорлигининг моҳияти уларнинг қайси иқтисодий мактаб қарашига таянаётгани билан белгиланади. Масалан, фискал федерализм назариясида давлат трансфертлари ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш воситаси сифатида хизмат қилади; неоклассик мактабда эса бозор воситалари рақобатни кучайтириб, хусусий сармояни жалб қилишни таъминлайди. Шу билан бирга, замонавий эндоген ўсиш назарияси молиявий воситаларни инновация жараёнларини рағбатлантирувчи омил сифатида кўради, бу эса уларнинг фақат молиявий эмас, балки илмий-технологик аҳамиятини ҳам очиб беради.

Сўнгги йиллардаги халқаро амалиёт шуни исботламоқдаки, молиявий воситалар самарадорлигини баҳолашда фақат иқтисодий натижа, масалан, инвестициянинг қайтиши (ROI) билан чекланиш етарли эмас. OECD ва UNDP тадқиқотларида таъкидланганидек, ҳозирги даврда молиявий воситаларнинг ижтимоий, институционал ва экологик таъсири ҳам муҳим мезон сифатида қаралмоқда. Масалан, шундай ҳудудий лойиҳалар борки, улар қисқа муддатда фойда келтирмаса-да, узоқ муддатда ижтимоий барқарорлик ёки экологик хавфсизликни таъминлайди, бундай ҳолатларда кўп мезонли самарадорлик ёндашуви иқтисодий самарани тўлиқроқ баҳолаш имконини беради.

### Хулоса ва таклифлар.

Шу тариқа, назарий жиҳатдан хулоса қилиш мумкинки, минтақавий ривожланишни барқарор таъминлаш учун молиявий воситалар фақат молиялаштириш канали сифатида эмас, балки иқтисодий, ижтимоий ва инновацион барқарорликни таъминловчи тизим сифатида ташкил этилиши лозим. Бу ҳолат келгусида Ўзбекистон минтақаларида давлат, хусусий сектор ва халқаро институтлар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

### Адабиётлар/ Литература / Reference:

Cisilino, F. et al. (2022) 'Potential and Complexity of Implementing Financial Instruments in the Framework of Rural Development Policies in Italy', *Sustainability*, 14(23), p. 16090. doi:10.3390/su142316090

Finance in Common (2023) 'Research on Public Development Banks 2023: Climate-Resilient-Debt Clause and Debt-to-Nature Swaps', *Finance in Common Summit Info Memo*. Available at: <https://financeincommon.org/research-on-public-development-banks-2023>

Gospodarchuk, G. and Zeleneva, E. (2024) 'Financial Development Strategies of Countries: Identifying Priority Financial Instruments', *Emerging Science Journal*, 8(6), pp. 2230-2244. doi:10.28991/ESJ-2024-08-06-06

Mahmudov Saidjamol Kadirjanovich, (2022) *Accounting of Financial Instruments in the Republic of Uzbekistan based on IFRS: essence and problems*, *International Journal of Research in Commerce, IT and Engineering and Social Sciences*, 16(6), pp. 117-128. Available at: <https://www.gejournal.net/index.php/IJRCIESS/article/view/683>

MRIATS (2024) 'Improvement of financial mechanisms for the development of Free Economic Zones (FEZs) in Uzbekistan', *Международный научно-исследовательский журнал MRIATS*. Available at:

<https://esiconf.org/index.php/MRIATS/article/download/4977/4863/9489>

OECD (2023) *OECD Regional Outlook 2023: The Longstanding Geography of Inequalities*. Paris: OECD Publishing.

Pluskota, P. (2023) 'Comparative Analysis of the Use of Financial Instruments – Regional Perspective', *European Research Studies Journal*, 26(3), pp. 602-611. doi:10.35808/ersj/3235

Sum, K. (2023) 'The multilevel governance of financial instruments in regional development funds', *Construction Economics and Building*. Available at: <https://doi.org/10.1108/cemj-05-2022-0071>

UNDP (2024) *Integrated National Financing Strategy for Uzbekistan*. Tashkent: United Nations Development Programme. <https://www.undp.org/uzbekistan/publications>.